

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**25-сон**  
**(837)**  
**2018 йил**  
**25 июнь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

492. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги ПФ–5459-сон Фармони
493. «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги ПФ–5460-сон Фармони
494. «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон қарори [Кўчирма]
495. «Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини

ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3787-сон қарори

496. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийимини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги ПҚ-2800-сонли қарорига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3788-сон қарори
497. «Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3789-сон қарори
498. «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги ПҚ-3796-сон қарори
499. «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 июндаги ПҚ-3800-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

500. «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори
501. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 463-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

502. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 майдаги 01-02/12-42-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига

дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-4*)

503. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 8 июндаги 6-сон «Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-1*)

504. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июндаги 2018-52-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3023*)

505. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 майдаги 25-к, 01/15-10/12-қ-сон «Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3024*)

506. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бош қаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 97, 1811, 2018-44-сон «Қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2460-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 16 июндан 22 июнгача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****492 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек,  
баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида экспорт қилинадиган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатида:

10-бандининг «ТН ТИФ коди» графаси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 4101 — 4107, 4112 00 000 0 — 41 14, 4301-4302 ».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 июнь,  
ПФ–5459-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 20 июндаги  
ПФ-5459-сонли Фармони  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 мартдаги ПҚ-26-сонли қарорининг 3-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли қарори 4-иловасининг 21-банди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 июлдаги ПҚ-2213-сонли қарори иловасининг 1-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сонли қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши ва 3-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**493 Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнги йилларда соғлиқни сақлашнинг ва фармацевтика тармоғини бошқаришнинг янги тизимини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакат аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ва аҳоли соғлиғининг кўрсаткичларини оширишга тўсқинлик қилаётган муайян муаммолар ханузгача ҳал қилинмасдан қолмоқда.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 июнда эълон қилинган.

Хусусан, дори воситаларини, жумладан, уларни ишлаб чиқариш ва қўллашга юқори талаблар қўйилган мамлакатларда тайёрланган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими хаддан ташқари мураккаблигича қолмоқда, бу эса самарасиз дори воситаларининг олиб кирилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарнинг кенг тармоғини яратиш, шунингдек, фармацевтика бозорида давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш ва шаффоф рақобатни ўрнатиш зарурати ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, сифатли дори воситаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва Ўзбекистон фармацевтика бозорининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратлари (кейинги ўринларда дори воситалари деб аталади)ни давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини 2018 йил 1 августдан жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархига 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

б) юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш:

хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги бўйича шубҳа уйғотмайдиган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масъул бўлган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларни табақалаштириш асосида;

давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларнинг тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тақдирда амалга оширилади;

в) мазкур Фармоннинг 1-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган тартиб қўлланиладиган дори воситалари ушбу воситаларнинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилишида экспертиза қилинмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5229-сон Фармонининг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида бир ой муддатда асосий касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари қайта кўриб чиқилишини ҳамда ҳар чорақда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхати қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 20 июлга қадар муддатда танқидий ўрганиш ўтказиб:

юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини белгилаш;

дори воситаларининг божхона расмийлаштирувига, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва реализация қилинишига талабларни такомиллаштириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича таклифлар киритсин;

в) Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда мамлакатда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда қўллашга тақиқ мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилсин, бундай тақиқларни жорий этишнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўргансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар келгусида қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 20 июлга қадар муддатда:

дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхатини тасдиқлаш учун;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 июнь,  
ПФ–5460-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**494 Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш,  
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчилик-  
ка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Ўтган давр мобайнида пойтахтда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, хизматни ўташни ташкил этиш амалиётини ўрганиш сутканинг кечки ва тунги вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мавжуд куч ва воситаларини тақсимлашнинг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатди ҳамда бу пойтахтда криминоген вазиятга тезкор таъсир кўрсатиш, уни назорат қилиш ва баҳо бериш имконини бермаяпти. Ушбу вақтда ҳуқуқбузарликлар умумий сонининг ярмидан кўпи, айниқса, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилаётганлиги ҳам бундан далолат беради.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Олий суди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қўйидагиларни назарда тутадиган «Хавфсиз пойтахт» концепциясини (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) эксперимент тариқасида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакилларини (кейинги ўринларда — жамоат тартибини таъминлаш кучлари) жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режимини ташкил этиш;

ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлинмалари, маъмурий судлар, адвокатура, шунингдек, суд-тиббий

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.



экспертиза хизматлари ходимлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат фаолиятини тўлиқ амалга ошириш, кейинчалик сутканинг кундузги вақтида ўн олти соат давомида уларни бевосита хизмат вазифаларини бажаришдан озод этиш;

хуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмалари, биринчи навбатда, жамоат тартибини таъминлаш кучларининг патруль гуруҳлари ходиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

патруллик қилиш учун бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг ўз вақтида олди олиниши ва уларга чек қўйилиши сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган жамоат тартибини таъминлаш кучлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари ҳисобланади;

сутканинг кечки ва тунги вақтидаги фаолият жамоат тартибини таъминлаш кучларининг ва жалб этилган давлат органлари бўлинмалари шахсий таркибининг яқин ҳамкорлигида ташкил этилади;

жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида автомобилларда патруллик қилиш аралаш тартибда, яъни ҳам автомобилларда, ҳам пиёда амалга оширилади;

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб боришга жалб этилган жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва давлат органлари шахсий таркибининг фаолияти даврий равишда сутканинг кундузги вақтидаги иш билан алмаштириб турилади.

## 3. Концепцияни амалга ошириш доирасида жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказларининг (кейинги ўринларда — мобиль марказлар) фаолият юритиши амалиёти жорий этилсин ва улар ички ишлар бўлимлари хизмат кўрсатиш ҳудудларига бириктирилсин.

Қуйидагилар мобиль марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бориш давомида жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва жалб этилган давлат органлари бўлинмаларини назорат қилиш, бошқариш ҳамда уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этишда ички ишлар бўлимларига кўмаклашиш;

ходиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга жамоат тартибини таъминлаш кучларининг энг яқин патруль гуруҳи дарҳол етиб келишини таъминлаш орқали хуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушган ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича тезкор чора кўриш;

жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва ҳаракатлантириш мақсадида, жумладан ходиса содир бўлган жойга бевосита чиққан ҳолда мобиль штаб функцияларини бажариш;

оммавий тадбирларни ўтказишда ва одамлар гавжум жойларда тезкор ва криминоген вазиятни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда бевосита кузатиш ҳамда визуал баҳолашни амалга ошириш;

жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ва қидирувдаги жиноятчилар қўлга олинган ҳолларда ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлинмалари жалб этилишини ташкил қилиш.

4. Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича узлуксиз куну тун хизмат режимини ташкил этиш схемаси иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарлари лавозимларига ўзгартирилсин ҳамда улар зиммасига қуйидагилар юклансин:

жамоат тартибини сақлашнинг, айниқса, сутканинг кечки ва тунги вақтида натижадорлигини таъминлаш бўйича фаолиятни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик;

ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг самарали ва ўзаро боғлиқ фаолият юритишини ташкил этиш бўйича вазифалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини (кейинги ўринларда — жамоатчилик гуруҳлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин ҳамда ушбу гуруҳлар таркиби:

муддатли ҳарбий хизматни ўташ ниятида мудофаа ишлари бўйича туман бўлимига мурожаат қилган ҳарбий хизматга чақирилувчилар;

республика олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек, ички ишлар органларининг таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодлар;

ички ишлар органларида хизмат қилиш истагини билдирган номзодлар орасидан шакллантирилиши назарда тутилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

жамоатчилик гуруҳлари таркибига кириш мудофаа ишлари бўйича туман бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида амалга оширилади;

жамоатчилик гуруҳлари улар фаолият олиб борадиган маҳалла ҳудудида яшовчи ёшлардан шакллантирилади;

жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жавобгарлик туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва профилактика инспекторлари зиммасига юкланади;

жамоатчилик гуруҳларининг ҳар бир аъзоси сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт миқдоридида патруллик қилишга жалб этилади ва бу хизматга (ўқишга) ҳужжатларни якуний қабул қилишга асос ҳисобланади;

ўзининг маҳалласида ҳуқуқ тартиботни таъминлашда фаол қатнашган жамоатчилик гуруҳи аъзоларига профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда хизматга (ўқишга) танлов ўтказишда инobatга олинадиган тавсияномалар берилиши мумкин.

10. 2018 йил 1 августдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибидида хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга ҳар ойлик иш якуни бўйича патруллик ҳудудида оғир ва ўта ўғир жиноятларга бевосита чек қўйганлиги, уларни аниқлаганлиги ёки фош этганлиги, шунингдек, тергов ва суддан яширинган шахсларни ушлаганлиги учун лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартиби ўрнатилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир ой муддатда Тошкент шаҳар туманлари маъмурий судларининг штат бирликларини қайта тақсимлаш ва кўпайтириш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

Тошкент шаҳрида туманлараро суд-тиббий экспертиза пунктларини энг муқобил жойлаштириш заруратини инobatга олган ҳолда уларни очиш ва фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини, жумладан олиб юриладиган техник воситалар орқали аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига сутканинг кечки ва тунги вақтида процессуал ҳаракатларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардия билан биргаликда Концепция талабларини инobatга олган ҳолда икки ҳафта муддатда:

жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибидида биргаликда патруллик хизматини ўташ тартибини, жумладан автомобилларда ва пиёда патруллик қилишнинг аралаш услублари механизмини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

амалдаги патруль йўналишларининг жойлашувини ўзгарувчан оператив ва криминоген вазиятга мувофиқ тарзда жамоат тартибини сақлаш кучларини тезкор ҳаракатлантириш механизмини жорий этган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

сутканинг оралиқ вақтига мувофиқ жамоат тартибини таъминлаш кучлари шахсий таркибининг қайта тақсимланишини таъминласин;

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб борилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича ўз хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин.

19. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Концепцияга мувофиқ сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган ҳамда фаолият юритаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг овқатланишини ташкил этиш ва бунинг учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

а) қўйидагиларни назарда тутган ҳолда муқаддам судланган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш:

шахсни муқаддам судланган деб топишда қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш;

ўқишга, ишга киришда ёки бошқа ҳолларда судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган шахсларнинг судланганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзиб қўйиш амалиётига барҳам бериш;

муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир этганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш;

б) сутканинг кечки ва тунги вақтида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартибини соддалаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бир ой муддатда «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларининг фаолият юритишини ташкил этиш тартиби, фаолиятни баҳолаш механизми ва мезонларини белгилайдиган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексини амалга ошириш жараёнида Тошкент шаҳрининг барча ички ишлар бўлимларини шахснинг юзини ва транспорт воситаларининг давлат рақами белгисини интеллектуал таниб олиш тизими билан жиҳозлашни назарда тутсин.

23. Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш республика комиссияси (Н. Йўлдошев) Тошкент шаҳрида Концепция самарали амалга оширилишининг тизимли мониторингини таъминласин ҳамда 2018 йил якуни бўйича бундай амалиётни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари-

нинг жамоат тартибини сақлашда намуна кўрсатган ходимларига маҳаллий ишлаб чиқарилган арзон енгил автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредит бериш бўйича таклиф киритсин;

бир ой муддатда мобиль марказлар ишини ташкил этиш тартибини тасдиқласин, бунда улар томонидан жамоат тартибини таъминлаш кучларининг ўзаро мувофиқлашган ҳамкорлигини ташкил этишнинг уйғун механизмлари ва уларнинг ҳуқуқбузарликларга тезкор муносабат билдириши назарда тутилсин;

бир ой муддатда ушбу қарор талабларини инобатга олиб, пул мукофоти тизимининг аниқ мезонларини назарда тутган ҳолда жамоат тартибини таъминлаш кучларининг фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда республика ички ишлар органларининг амалдаги штат бирликларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг тузилмасини такомиллаштириш ва штат бирликларини уларнинг реал иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни кўрсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органлари патруль-пост хизматлари бўлинмаларини индивидуал ҳимоя ва фаол мудофаанинг замонавий махсус воситалари билан жиҳозлаш дастурини киритсин;

уч ой муддатда комплекс таҳлил асосида Тошкент шаҳар ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг автомобиль паркинни босқичма-босқич қайта жиҳозлаш ва мустаҳкамлаш бўйича таклиф киритсин.

25. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бюджет маблағлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 июнь,  
ПҚ-3786-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**495 Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўтган давр мобайнида республикада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам беришни ташкил этишнинг таъсирчан тизими шакллантирилди.

Фақатгина 2017 йилда 11 та тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, 15 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ёрдам билан қамраб олинди, қарийб 21 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминланди, 35 минг нафар шахслар санаторияларда соғломлаштириш курсларидан ўтди, 20 минг нафардан зиёд шахсга реабилитация хизматлари кўрсатилди.

Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси ва инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги уларга ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилишни кенгайтиришга, илғор тиббий-ижтимоий реабилитация услубларини жорий қилишга имкон бермаяпти.

Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологиялар жисмонан ҳамда маънан эскирган, ушбу соҳада етарли даражада инновацион технологиялар жорий этилмапти ва илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ривожлантирилмаяпти.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация чораларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг замонавий услубларини жорий этиш орқали аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича уларнинг имкониятларини кенгайтириш;

тиббий-ижтимоий муассасалар ва ўқув-мехнат устaxonаларини замона-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 июнда эълон қилинган.

вий диагностика қилиш, даволаш, спорт ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозлаш;

махаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ҳамда уларнинг турларини кенгайтириш;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишини таъминлайдиган кучли илмий ҳамда методологик базани яратиш;

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартларини кенг жорий этиш.

## 2. Қўйидагилар:

2018 — 2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 1-иловага\* мувофиқ;

2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштиришнинг асосий параметрлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

## 3. 2021 йил 1 январга қадар муддатга:

корхоналар бўшаётган маблағларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишга, шунингдек, корхонанинг протезчи мутахассисларини ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва малакасини оширишга мақсадли йўналтирган ҳолда, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг ишлаб чиқарилган ҳажми бўйича ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари);

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, инструментлар ва приборлар, компьютер ҳамда диагностика ускуналари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

махаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

яхшилаш масалаларини ўргансин, шунингдек, лойиҳаларнинг кейинчалик республикада, жумладан эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари худудида амалга оширилишини таъминласин;

Комплекс чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий корхоналарни, чет эл инвестицияларини, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат жамғармалари ва ташкилотларининг грантлари, кредитлари ҳамда мақсадли маблағларини жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур банд билан юклатилган вазифаларни бажаришда тўлиқ қўмаклашсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, протезчи мутахассисларни ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва уларнинг малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредит бериш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан танқидий таҳлил ва таъсирчан назорат олиб борилишини таъминласин, бунда қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсин:

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш бўйича имкониятларини кенгайтириш;

ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг сифатини яхшилаш ва уларнинг турларини кенгайтириш.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 2018 — 2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича ҳудудий комплекс чора-тадбирларни уларнинг ижро муддатлари, масъул ижрочилари, шунингдек, молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси,



Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тегишли даврлар учун лойиҳалар портфелларини ишлаб чиқишда уларда шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларига кейинчалик лойиҳаларни киритиш учун бюджет маблағлари ҳисобига ажратиладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитлари доирасида амалга ошириладиган, мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда протезчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўргансин ҳамда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ва олий маълумотли протезчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича таклиф киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотнинг ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш тадбирларини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби танқидий қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда мазкур соҳада ортиқча тартиб-таомилларни чиқариб ташлаш, ишларнинг шаффофлигини таъминлаш ва сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2705-сон қарорида:

2-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

6 ва 7-бандлари, шунингдек, 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 июнь,  
ПҚ–3787-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**496** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийимини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги ПҚ–2800-сонли қарорига қўшимча киритиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 28 мартдаги ПҚ–3626-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийимини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги ПҚ–2800-сонли қарори 1-иловасининг «Идораларнинг формали кийими» бўлими қуйидагича мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси».

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 июнь,  
ПҚ–3788-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**497 Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3702-сонли қарорига мувофиқ ҳамда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлашни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3702-сонли қарорига мувофиқ Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти таркибидан чиқарилди.

2. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги таркибига топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва «O`zbeko`quvavtomatika» МЧЖнинг:

а) тегишли ҳудуди билан биргаликда, аввал Тошкент архитектура-қурилиш институтига топширилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4 массиви, 11-уй манзили бўйича жойлашган бино ва иншоотларни тезкор бошқарув ҳуқуқи билан Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтига;

б) тегишли ҳудуди билан биргаликда, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9-уй манзили бўйича жойлашган Тошкент Телекоммуникация технологиялари касб-хунар коллежи бино ва иншоотларини;

тегишли ҳудуди билан биргаликда, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9а-уй манзили бўйича жойлашган «O`zbeko`quvavtomatika» МЧЖ биноларини тезкор бошқариш ҳуқуқи билан Тошкент архитектура-қурилиш институтига;

Белгилансинки, Тошкент Телекоммуникация технологиялари касб-хунар

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.

коллежи ўқувчилари Тошкент архитектура-қурилиш институтига топширилган бинода ўқишларини таълим тўлиқ тугаллангунга қадар давом эттирадилар;

в) Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Навнихол кўчаси, 7-уй манзили бўйича жойлашган Тошкент архитектура-қурилиш институти бино ва иншоотларини «O`zbeko`quvavtomatika» МЧЖга мулк ҳуқуқи билан топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 9а-уй манзили бўйича жойлашган бино ва иншоотларни «O`zbeko`quvavtomatika» МЧЖга топширишдан олдин навеслар ва бошқа қурилмаларни демонтаж қилиш ва олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган бино ва иншоотларни топшириш-қабул қилиш, шунингдек, улардан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминласин.

5. Қуйидагилар:

а) Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-4 массиви, 11-уй манзили бўйича жойлашган Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг «Тошкентсув-қурилишинвест» Давлат унитар корхонаси — буюртмачи этиб;

«Ўзагросаноатлойиха» МЧЖ — бош лойиха ташкилоти этиб;

бош пудратчи ташкилот — белгиланган тартибдаги савдо танловлари натижалари бўйича;

б) Тошкент архитектура-қурилиш институти бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб;

«Tashgiprogor» АЖ — бош лойиха ташкилоти этиб;

бош пудратчи ташкилот — белгиланган тартибдаги савдо танловлари натижалари бўйича белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси:

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтига — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида;

Тошкент архитектура-қурилиш институтига — Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида 2018 йилда бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш ва қуриш учун капитал қўйилмалар лимитларини ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги 2019 йил учун Ривожлантириш давлат дастурини шакллантиришда тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатларига

мувофиқ Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институти бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш учун тегишли капитал қўйилмаларни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 20 июнь,  
ПҚ-3789-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**498 Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар  
иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш  
механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*\***

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан асослантирилган инвестиция лойиҳаларининг уларни молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 июнда эълон қилинган.

маблағларнинг нооқилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда ХМИ ва ХХМТ деб юритилади) иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш тизимида мазкур соҳадаги ишларни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди, жумладан:

биринчидан, инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этишга доир тизимли ёндашувнинг мавжуд эмаслиги сансалорликка, ажратилаётган қарз ва грант маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилмаслигига, шунингдек, лойиҳаларни яқунлаш муддатлари асоссиз равишда чўзиб юборилишига олиб келмоқда;

иккинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли тузилмалар фаолиятини ташкил этиш масалалари лозим даражада тартибга солинмагани лойиҳаларни амалга оширишга доир мажбуриятларнинг такрорланишига ҳамда бу учун зарур ресурс ва имкониятларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига юкланишига олиб келмоқда;

учинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги тор идоравий ёндашувлар лойиҳаларни амалга ошириш (мувофиқлаштириш) гуруҳларининг (кейинги ўринларда — ЛАОГ) иши самарасиз ташкил этилишига, шунингдек, ЛАОГ ходимлари инвестиция лойиҳаларининг асосий вазифа ва мақсадлари билан боғлиқ бўлмаган фаолиятга чалғишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, бир ижро этувчи агентлик доирасида кўплаб тарқоқ ЛАОГлар мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини бошқариш учун харажатларнинг асоссиз равишда ортишига олиб келмоқда;

бешинчидан, ЛАОГлар учун ходимлар танлаб олиш ишлари талаб даражасида эмаслиги ЛАОГларни улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш имконини бермаяпти.

ЛАОГларнинг ХМИ ва ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга доир фаолияти самарадорлигини ошириш, қарз ва грант маблағларининг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳалари доирасида кўзланган мақсадларга эришиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) ХМИ ва ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш соҳасидаги ижро этувчи агентликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган Лойиҳа офиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси деб юритилади) функцияларини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига юклаш;

б) ЛАОГларни ижро этувчи агентликлар бўйсунувидан чиқариш ва Лойиҳа офиси бўйсунувига ўтказиш;

в) тегишли лойиҳалар доирасида белгиланган ижро этувчи агентликлар

зиммасига қуйидагилар учун масъул бўлган инвестиция лойиҳаси буюртмачиси функцияларини юклаш:

инвестиция лойиҳасининг натижаларига доир асосий талабларни белгилаш ва уни амалга ошириш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларига эришиш;

инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди, лойиҳа ва тендер (танлов) ҳужжатлари қонун ҳужжатларида, зарур ҳолларда эса, ХМИ ва ХҲМТ қоидалари ва тартиб-таомилларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Лойиҳа офиси билан биргаликда инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг боришини таъсирчан мониторинг қилиш ҳамда лойиҳа ҳужжатларида тасдиқланган параметрларга эришиш устидан назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг оралиқ ва якуний натижаларини қабул қилиб олишни ташкил этиш.

2. Қуйидагилар Лойиҳа офисининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ЛАОГлар фаолиятини тизимли равишда танқидий ўрганишни ҳамда мувофиқлаштиришни амалга ошириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди, лойиҳа ва тендер (танлов) ҳужжатлари қонун ҳужжатларида, зарур ҳолларда эса, ХМИ ва ХҲМТ қоидалари ва тартиб-таомилларида белгиланган тартибда ўз вақтида ишлаб чиқилишини назорат қилиш;

тасдиқланган тармоқ жадвалларига мувофиқ инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ЛАОГларга раҳбарлар танлаш ва уларни тасдиқлаш ҳамда ЛАОГлар таркибини малакали мутахассислардан шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш, шунингдек, улар малака даражасининг инвестиция лойиҳаларини бошқариш соҳасидаги талабларга мослигини аниқлаш;

тасдиқланган тендер (танлов) ҳужжатларига мувофиқ тендер (танлов) савдоларининг ташкил этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойиҳаларининг тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида молиялаштирилишини ҳамда қарз ва грант маблағларининг ХМИ ва ХҲМТ билан келишувларга мувофиқ ўзлаштирилишини мониторинг қилиш;

инвестиция лойиҳалари буюртмачилари билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини ҳамда лойиҳа ҳужжатлари билан тасдиқланган параметрларга эришишни таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ЛАОГларнинг ХМИ ва ХҲМТ, инвестиция лойиҳалари буюртмачилари, шунингдек, ваколатли вазирлик ва идоралар билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасидаги ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

ЛАОГлардан инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг бориши

тўғрисида ҳисоботлар ва зарур ахборот олиш ҳамда, зарур ҳолларда, тақдим этилган ахборотнинг ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида жойларга чиқиш;

инвестиция лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишда, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали кўмаклашиш;

ХМИ ва ХҲМТ иштирокида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш шартлари бўйича музокаралар олиб бориш ҳамда уларни мувофиқлаштириш;

ХМИ ва ХҲМТ иштирокида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари бўйича ХМИ ва ХҲМТнинг баҳолашолди ҳамда баҳолаш миссиялари ишини ташкил этишда кўмаклашиш, шунингдек, ХМИ ва ХҲМТ делегациялари, миссиялари вакилларига ташкилий, ахборот ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш.

Лойиҳа офиси қонун ҳужжатларига, шунингдек, ХМИ ва ХҲМТ қоидалари ҳамда тартиб-таомилларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

Лойиҳа офиси инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ахборот киритиб боради;

Лойиҳа офисининг ХМИ ва ХҲМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга доир қарорлари ижро этувчи агентликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ой муддатда ХМИ ва ХҲМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича, жумладан, ижро этувчи агентликларнинг лойиҳаларни амалга ошириш учун жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи аниқ таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида халқаро консультантларни жалб этишни таъминласин;

б) бир ой муддатда амалдаги ЛАОГлар фаолиятини, унинг самарадорлигини, ЛАОГлар фаолиятини ташкил этишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши, шунингдек, улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ҳолатини ўргансин ҳамда чуқур таҳлил қилсин;

в) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда халқаро консультантлар иштирокида ишлаб чиқилган таклифлар ва ЛАОГлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

молиялаштирувчи ХМИ ва ХҲМТ билан келишилган ҳолда ЛАОГлар сонини уларни бирлаштириш ёки тугатиш орқали қисқартиришни, шунингдек, уларда меҳнат қилаётган ходимлар сонини мақбуллаштиришни;

ХМИ ва ХҲМТ иштирокида кўриб чиқиляётган ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини идоралараро мувофиқлаштириш тартибини бел-



гилашни, шунингдек, лойиҳаларни бошқариш, жумладан, давлат харидларини амалга ошириш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш соҳасида халқаро стандартларни жорий этишни назарда тутувчи қарори лойиҳасини киритсин.

5. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 4-банди «в» кичик бандида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилингунга қадар ЛАОГлар ва ижро этувчи агентликларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича жорий тадбирларни бажаришга доир функциялари аввал белгиланган тартибга мувофиқ сақланиб қолади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 21 июнь,  
ПҚ-3796-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **499 Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида аҳолининг соғлигини сақлаш, шу жумладан одамнинг иммунитет танқислиги вируси (кейинги ўринларда ОИВ-инфекцияси деб юритилади) келтириб чиқарадиган касаллик профилактикаси, диагностикаси ва уни даволаш соҳасида ижобий натижаларга эришилди. Мазкур йўналишда комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши эпидемик вазиятнинг барқарорлашишига кўмаклашди.

Шу билан бирга, ўрганишлар ОИВ-инфекцияси тарқалишига самарали қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилишга

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 июнда эълон қилинган.

тўсик бўлаётган бир қатор муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда, хусусан:

биринчидан, шифохона ички инфекциялари билан касалланиш пасайган-лигига қарамай, даволаш-профилактика муассасаларида қон орқали юқадиган инфекцияларнинг профилактикасида камчиликлар мавжуд;

иккинчидан, даволаш-профилактика муассасаларини, айниқса, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини тиббий асбоблар ва сарфлаш материаллари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш борасида зарур чоралар кўрилмаяпти;

учинчидан, жойларда, айниқса, узоқ туманларда тиббиёт муассасаларини электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашда муаммолар сақланиб қолмоқда, бу эса тиббий асбобларни стерилизация қилиш сифатига ва амалга ошириладиган даволаш-профилактика муолажаларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, даволаш-профилактика муассасалари стерилизация бўлинмаларининг зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланганлик даражаси талабга жавоб бермайди, стерилизация тадбирларини ташкил этиш услубларига замонавий ёндашув мавжуд эмас;

бешинчидан, республика минтақаларида ОИВни юқтириб олган шахслар стационар даволаш билан етарли даражада қамраб олинмасдан қолмоқда, ОИТСга қарши курашиш минтақавий марказлари ва ОИВ-инфекцияси диагностикаси бўйича туманлараро лабораторияларнинг заиф моддий-техника базаси амалга оширилаётган ишлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

ОИВ-инфекциясини ўз вақтида профилактика ва диагностика қилиш, уни даволаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш, беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, уларни стационарда даволаш кўламини кенгайтириш, шифохона ички инфекциялари билан касалланиш ҳолатларини камайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар ОИВ-инфекциясини профилактика ва диагностика қилиш, уни даволаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

қон орқали юқадиган инфекцияларни профилактика қилиш соҳасидаги даволаш-профилактика муассасаларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

эпидемиологик назоратни, республикада ОИВ-инфекцияси тарқалиши ва шифохона ички инфекцияларининг профилактикаси назорат қилинишини кучайтириш;

тиббий асбобларни стерилизация қилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш функцияларини хусусий тузилмаларга бериш орқали давлат тиббиёт муассасаларида давлат-хусусий шерикликни босқичма-босқич жорий этиш;

даволаш-профилактика муассасаларини тест-тизимлар ва ретровирусга қарши препаратлар билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, республикада ОИВ-инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни барқа-

роҳ молиялаштириш мақсадида бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш;

ОИВ-инфекциясини даволаш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилишда фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган инновацион ёндашувларни кенг қўллаш;

ОИВни юктириб олган шахсларни комплекс тиббий-психологик қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш;

ОИВ-инфекциясини профилактика ва диагностика қилиш, уни даволаш бўйича тиббиёт ходимларининг касбий билимлари даражасини ошириш;

давлат тиббиёт муассасаларининг ОИВ-инфекциясини профилактика ва диагностика қилиш, уни даволаш билан шуғулланувчи тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш;

ОИТСга қарши курашиш марказлари ва ОИВ-инфекцияси диагностикаси бўйича туманлараро лабораторияларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш;

хорижий соҳавий муассасалар билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни янада ривожлантириш.

2. ОИВ-инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар (кейинги ўринларда — Комплекс чора-тадбирлар) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Комплекс чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

3. Белгилансинки, Комплекс чора-тадбирларда кўрсатилган муассасаларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда дастлабки босқичда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида тажриба лойиҳаларини жорий этишни, кейинчалик ижобий тажрибани республиканинг барча минтақаларига тарқатишни назарда тутган ҳолда, тиббий асбобларни стерилизация қилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш соҳасида давлат-хусусий шерикликни босқичма-босқич жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда даволаш-профилактика муассасалари, жумладан стерилизация бўлинмалари ва операция блокларининг сув, газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминланганлиги ҳолатини ўрганиб чиқсин ҳамда ривожланиш давлат дастурларига биринчи навбатда уларни киритиш юзасидан ҳар бир ҳудуд кесимида таклифлар тайёрласин;

в) Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика ҳудудларида ОИВни юқтириб олган шахсларнинг стационар даволаш билан қамраб олинишини кенгайтиришга ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини кўп марта ва бир марта ишлатиладиган тиббий асбоблар, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўрсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тегишли ҳудудда ва умуман республика бўйича ОИВ-инфекцияси ва шифохона ички инфекциялари тарқалиши профилактикасининг ҳолатини доимий равишда комплекс баҳолашни таъминласин, уларнинг ҳолати ёмонлашишига муносабат билдириш юзасидан аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда жазони ижро этиш муассасаларида, шунингдек, ички ишлар органларининг тиббиёт муассасаларида эпидемиологик назорат ҳамда ОИВ-инфекцияси ва шифохона ички инфекциялари тарқалиши устидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда ОИВни юқтириб олган шахсларни ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ва тиббий-психологик қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида, айниқса, ОИВ-инфекцияси тарқалиши масалалари бўйича кенг тушунтириш ва тарбиявий тадбирлар ўтказиш, жамиятда оила ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ишларини кучайтирсин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ах-

борот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида ОИВ-инфекциясига қарши курашишнинг долзарб масалалари мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Қосимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 июнь,  
ПҚ-3800-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **500** Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3727-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорлари 1 — 11-иловаларга\*\* мувофиқ;

давлат архивлари ва узоқ муддат узлуксиз хизмати учун ҳар ойлик тақдирлаш пули белгиланадиган давлат архивлари ходимлари лавозимлари рўйхати 12-иловага\*\* мувофиқ;

Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 13-иловага мувофиқ тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу қарорга 1 — 11-иловаларда қайд этилмаган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ҳамда шартларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда:

давлат архивларининг янгиланган намунавий штатларини;

Давлат архивларини меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳларига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.

\*\* 1 — 12-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

бир ой муддатда — Давлат маданият муассасаларининг ижодий (артист) ходимлари ва мутахассисларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни;

икки ой муддатда — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Давлат архивларини меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳларига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

давлат маданият муассасаларининг ижодий (артист) ходимлари ва мутахассисларини уч ой муддатда аттестациядан ўтказсин ҳамда уларга фаолият натижаларини баҳолаш асосида малака тоифалари берилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда театр ва муסיқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига 14-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида» 1998 йил 5 мартдаги 98-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарори)» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 19 июнь,  
458-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 19 июндаги 458-сон қарорига  
13-ИЛОВА

**Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари  
ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий  
рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, ўқув театрлари, театр-студиялар, таълим муассасаларининг студиялари ва музейлари, шунингдек, идоравий кутубхоналар ва архивлар ходимлари;

давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг техник ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимлари;

ушбу қарорга 1 — 11-иловаларда қайд этилмаган давлат маданият муассасаларининг айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун татбиқ этилмайди, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ушбу муассасаларга меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича берилган гуруҳ ҳисобга олинган ҳолда Ягона тариф сеткаси бўйича белгиланади.

3. Қўйидагилар:

театрлар, театр-студиялар, цирklar, саройлар, концерт ташкилотлари, шу жумладан, мусиқали ва рақс жамоалари;

музейлар, музей қўриқхоналар, уй музейлар, давлат тарих ва маданият музейлари, картина ва фотогалереялар, кўргазма фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотлар;

кўзи ожизлар учун кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, шу жумладан, халқ театрлари, хаваскорлик жамоалари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази;

зоопарклар, шунингдек, бошқа маданий-маърифий муассасалар давлат маданият муассасалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг ташкилий тузилмасига кирадиган архивлар давлат архивлари ҳисобланади.

5. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошлари, узоқ муддат узлуксиз хизмати учун



ҳар ойлик тақдирлаш пули, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган устамалар ва қўшимча тўловларни ўз ичига олади.

## **2-боб. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг лавозим маошлари**

6. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг лавозим маошлари:

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳар бир лавозим учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

7. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг лавозим маошлари:

меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича давлат маданият муассасаси ва давлат архиви киритилган гуруҳга;

ходимнинг лавозими ва малака тоифасига боғлиқ ҳолда табақалаштирилади.

8. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

9. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивларини меҳнатига ҳақ тўлаш гуруҳларига киритиш ва ушбу муассасалар ходимларига малака тоифаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги томонидан белгиланади.

10. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг базавий лавозим маоши:

ходим давлат маданият муассасаси ва давлат архивида бошқа лавозимга ўтказилганда;

меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича давлат маданият муассасаси ва давлат архиви кирадиган гуруҳ ўзгартирилганда;

ходимнинг малака тоифаси ўзгартирилганда (оширилганда ёки пасайтирилганда);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари оширилганда ўзгартирилади.

Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг базавий лавозим маоши миқдорининг ўзгартирилиши тегишли муассаса раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари оширилганда давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муно-

сабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг буйруғига асосан тегишли миқдоргача оширилади.

### **3-боб. Яқунловчи қондалар**

12. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари давлат маданият муассасалари ҳамда давлат архивларида бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича ташкил этиладиган махсус жамғарма маблағлари ҳисобига моддий рағбатлантирилади.

13. Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларига устамалар ва қўшимча тўловлар тўлаш, шунингдек, узоқ муддат узлуксиз хизмати учун мукофотлаш шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

14. Ушбу Низомда қайд этилган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилиги учун жавобгарлик тегишли муассасалар раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 19 июндаги 458-сон қарорига  
14-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ–1280-сон Фармони татбиқ этиладиган Республика театр-концерт ташкилотлари, таълим ва бошқа маданий-маърифий муассасалари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ–1280-сон Фармон татбиқ этиладиган Театр-концерт ва бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг маъмурий-бошқарув, бадиий-раҳбар, бадиий, артист, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари, шунингдек, мутахассисларнинг, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда концертмейстерларнинг лавозимлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин».

2. 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил  
20 октябрдаги ПФ–1280-сон Фармони татбиқ этиладиган  
Республика театр-концерт ташкилотлари, таълим ва  
бошқа маданий-маърифий муассасалари  
РЎЙХАТИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри  
Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри  
Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри  
«Айқулаш жулдузлари» Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли  
«Аму тўлкини» Қорақалпоқ давлат фольклор-этнографик ансамбли  
«Гулзор» Қорақалпоқ давлат фольклор ансамбли  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали  
Қорақалпоғистон Республикаси кўзи ожизлар кутубхонаси

**Тошкент шаҳри**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри  
Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри  
Ўзбек Миллий академик драма театри  
Ўзбекистон давлат драма театри  
Ўзбекистон давлат сатира театри  
Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри  
Ўзбекистон давлат ёшлар театри  
Ўзбекистон давлат академик рус драма театри  
Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри  
Ўзбекистон давлат кўғирчоқ театри  
Ўзбекистон давлат консерваторияси  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби  
«Дийдор» режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси» давлат муассасаси  
«Томоша» болалар мусиқий театр-студияси» давлат муассасаси  
Тошкент давлат консерваторияси ҳузуридаги мусиқали театр-студия  
Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси ҳамда унинг таркибига кирувчи жамоалар\*  
Ўзбекистон оркестрлари жамоалари бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи жамоалар\*  
Ўзбек миллий мақом санъати маркази  
Республика кўзи ожизлар кутубхонаси  
«Ўзбекистон давлат цирки» давлат бирлашмаси  
Тошкент зоология парки  
«Халқлар дўстлиги» саройи

«Туркистон» санъат саройи

#### **Андижон вилояти**

Андижон вилояти мусиқали драма театри  
Андижон вилояти ёшлар театри  
Андижон вилояти қўғирчоқ театри  
Андижон вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

#### **Бухоро вилояти**

Бухоро вилояти мусиқали драма театри  
Бухоро вилояти қўғирчоқ театри  
Бухоро вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

#### **Жиззах вилояти**

Жиззах вилояти мусиқали драма театри  
Жиззах вилояти қўғирчоқ театри  
Жиззах вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

#### **Қашқадарё вилояти**

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри  
Қашқадарё вилояти қўғирчоқ театри  
Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

#### **Наманган вилояти**

Наманган вилояти мусиқали драма театри  
Наманган вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

#### **Самарқанд вилояти**

Самарқанд вилояти мусиқали драма театри  
Самарқанд вилояти рус драма театри  
Самарқанд вилояти қўғирчоқ театри  
Каттакўрғон шаҳар драма театри  
Самарқанд вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари  
Самарқанд зоология боғи

#### **Сирдарё вилояти**

Сирдарё вилояти мусиқали драма театри

Сирдарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси

### **Сурхондарё вилояти**

Сурхондарё вилояти мусикали драма театри

Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театри

Сурхондарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

Термиз зоология парки

«Сурхондарё санъат саройи» давлат муассасаси

### **Фарғона вилояти**

Фарғона вилояти мусикали драма театри

Фарғона вилояти рус драма театри

Фарғона вилояти кўғирчоқ театри

Кўқон шаҳар мусикали драма театри

Ислом Каримов номидаги Фарғона вилояти театр-концерт саройи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона вилояти филиали

Фарғона вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари

Фарғона зоология боғи

### **Хоразм вилояти**

Хоразм вилояти мусикали драма театри

Хоразм вилояти кўғирчоқ театри

Хоразм вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ва унинг филиаллари».

3. 2-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ–1280-сон Фармони татбиқ этиладиган Театр-концерт ва бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг маъмурий-бошқарув, бадий-рахбар, бадий, артист, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари, шунингдек, мутахассисларининг, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда концерт-мейстерларнинг лавозимлари РЎЙХАТИ»**

#### **I. Маъмурий-бошқарув ходимлари**

1. Бош директор (директор), бош директорнинг ўринбосари (директор ўринбосари), менежер

2. Бош бухгалтер (бош бухгалтер ўринбосари), бош муҳандис, бош зоомуҳандис, бош энергетик, бош маъмур, бош зоотехник, бош фондлар сақловчиси

3. Цех бошлиғи, бўлим бошлиғи
4. Бўлим мудири, либосхона мудири, чипта бюроси мудири, омбор мудири, озуқа ошхонаси мудири, ветеринария клиникаси мудири, дорихона мудири, филиал мудири

## **II. Бадий-раҳбар ходимлар**

1. Бадий раҳбар
2. Бош режиссёр, бош дирижер, бош балетмейстер, бош хормейстер, бош рассом
3. Труппа мудири, бадий-сахналаштириш қисми мудири, адабий қисм мудири, муסיқий қисм мудири

## **III. Бадий ходимлар**

1. Сахналаштирувчи режиссёр, сахналаштирувчи балетмейстер, сахналаштирувчи рассом
2. Модельер рассом, безакчи рассом, чиरोқ бўйича рассом, қўғирчоқ-шунос, ўйинчоқ-қўғирчоқлар безатувчиси, декоратор
3. Дирижёр, хормейстер, балетмейстер
4. Вокал синфи бўйича концертмейстер, балет синфи бўйича концертмейстер
5. Балет репетитори, вокал репетитори, цирк номерлари репетитори
6. Режиссёр, режиссёр ёрдамчиси
7. Хормейстер ёрдамчиси, дирижёр ёрдамчиси, балетмейстер ёрдамчиси
8. Овоз режиссёри, овоз оператори
9. Ташкилотчи педагог (репетитор), манеж инспектори

## **IV. Артист ходимлар**

1. Етакчи сахна устаси
2. Барча тоифалардаги балет артисти
3. Барча тоифалардаги артист-вокалчи (яккахон хонанда)
4. Барча тоифалардаги хор артисти
5. Барча тоифалардаги (симфония, камер) оркестр артисти
6. Барча тоифалардаги драма артисти
7. Барча тоифалардаги инструментал артист
8. Барча тоифалардаги барча жанрлардаги цирк артисти
9. Ёрдамчи таркиб артисти

## **V. Мутахассислар**

1. Барча тоифадаги бухгалтер, иқтисодчилар
2. Муҳандис

3. Барча номдаги мутахассислар
4. Матбуот котиби, маъмур, ассистент, кадрлар бўйича инспектор
5. Врач, ветеринар врач (фельдшер), биохимик врач, токсиколог врач, лаборант
6. Барча тоифалардаги агрономлар ва зоотехниклар
7. Барча тоифалардаги илмий ходимлар ва методистлар
8. Фондларни сақловчилар
9. Барча тоифалардаги кутубхоначилар, библиографлар, веб-дастурчилар ва экскурсоводлар

#### **VI. Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар**

1. Бутафор, гримчи-постижер, костюмчи, униформист
2. Пойабзалчи, тикувчи, бичувчи, кассир, чиптачи-кассир, мусиқа асбобларини созловчи
3. Саҳна машинисти, саҳна монтажчиси, ёритувчи, кутубхоначи (нота бўйича)
4. Отлар мураббийлари
5. Йиртқич ҳайвонлар ва ҳайвонларга қаровчи ишчи

#### **VII. Таълим муассасалари**

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва унинг филиаллари, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ректорлари, проректорлари, деканлари, концертмейстерлари ва профессор-ўқитувчилари таркиби;
2. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари

*\* Ушбу ташкилотларга кирадиган жамоалар учун узоқ муддат узлуксиз хизмати даври жамоа ходимларининг Маданият вазирлиги тизимидаги умумий иш стажидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади».*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**501 Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автойўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали товарларни олиб ўтиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг автойўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг миқдор нормалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан Интернет ахборот тармоғини кенг жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини мунтазам ҳамда ҳар томонлама ёритиш тавсия этилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Ушбу қарор 2018 йил 1 июлдан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 июнь,  
463-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 июнда эълон қилинган.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 22 июндаги 463-сон қарорига  
ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси  
Давлат чегарасининг автойўл (йўловчи), темир йўл ва  
дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари  
ундирилмайдиган айрим товарларни олиб ўтишнинг  
МИҚДОР НОРМАЛАРИ\***

Т/р	Товарнинг номи	Сони	Даврийлик
1.	Совутгич	1 дона	1 календарь ой
2.	Музлатгич	1 дона	1 календарь ой
3.	Кондиционер	1 дона	1 календарь ой
4.	Кир ювиш машинаси	1 дона	1 календарь ой
5.	Чанг ютгич	1 дона	1 календарь ой
6.	Газ плитаси	1 дона	1 календарь ой
7.	Электр плита	1 дона	1 календарь ой
8.	Телевизор	1 дона	1 календарь ой
9.	Микротўлқинли печь	1 дона	1 календарь ой
10.	Духовкали печь	1 дона	1 календарь ой
11.	Электр гўшт қиймалагич	1 дона	1 календарь ой
12.	Дазмол	1 дона	1 календарь ой
13.	Фен	1 дона	1 календарь ой
14.	Ошхона комбайни	1 дона	1 календарь ой
15.	Телефон аппарати, шу жумладан қўл телефони	1 дона	1 календарь ой
16.	Компьютер техникаси	1 дона	1 календарь ой
17.	Принтер ва кўп функцияли офис қурилмаси	1 дона	1 календарь ой
18.	Планшет компьютер	1 дона	1 календарь ой
19.	Ноутбук	1 дона	1 календарь ой
20.	Ошхона идиши	1 тўплам	1 календарь ой
21.	Бошқа товарлар**	ҳар бир ном- даги товардан 2 кг, аммо умумий оғирлик 10 кг дан ош- маслиги керак	1 кун

\* Ушбу товарлар қиймати республикага жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг автойўл (йўловчи), темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни олиб ўтишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3512-сон қарорида белгиланган чекланган нормаларга киритилади.

Товарларни божхона тўловлари тўламасдан олиб ўтишнинг миқдор

нормалари жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ўтказиш пунктидан белгиланган даврда фақат биринчи марта ўтишида қўлланилади. Чегара хизматлари органлари томонидан жисмоний шахснинг божхона органига тақдим этиладиган паспортига қўйиладиган белги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиш пунктидан ўтишини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган ҳар қандай товарни белгиланган норма ва /ёки даврийликдан ортиқ олиб ўтилганда белгиланган тартибда божхона тўловлари ундирилади.

\*\* Ушбу тоифага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ–3512-сон қарорига 1-иловада белгиланган товарлар кирмайди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**502** «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-4*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 28 январдаги 01-02/12-9-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2418, 2013 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 63-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 июлдан кучга киради.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 май,  
01-02/12-42-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил  
31 майдаги 01-02/12-42-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сон «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сон «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ дастлабки божхона декларациясини тақдим этган ҳолда «эркин муомалага чиқариш» (кейинги ўринларда — импорт деб юритилади) божхона режимига жойлаштириладиган товарларни декларациялаш тартибини белгилайди.»;

б) 1-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар хавфни аниқлашда фойдаланиладиган дастурий таъминот томонидан хавф аниқланмаганда, товарларни бевосита чегара ўтказиш пунктларида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига ушбу товарларни эркин муомалага чиқариш орқали дастлабки декларациялаш ҳуқуқи берилади.»;

в) 5-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ДБД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 5-боби Товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиришда БЮДни

тўлдириш талабларига мувофиқ тўлдирилади. Бунда ДБДнинг 1-графаси 1-бўлмасида «ПР» ҳарfli белги кўрсатилади.»;

г) 7-банддаги «божхона кўригидан» деган сўзлар «божхона назоратидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 8-банддаги «кўригига тақдим қилинишидан» деган сўзлар «назоратидан ўтказилишидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 9-банд иккинчи хатбошисидаги «товарларни божхона кўриги амалга оширилгунга қадар» деган сўзлар «товарлар божхона назоратидан ўтказилгунга қадар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. ДБДни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2784, 2016 йил 10 май) талабларига мувофиқ амалга оширилади.»;

з) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Тақдим этилган ДБДда кўрсатилган товарлар етиб келгандан сўнг, тўлиқ БЮД тақдим этилади. Тўлиқ БЮДни тақдим этиш муддати ДБД тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кундан ошиб кетмаслиги лозим.»;

и) қуйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>1</sup>. Тўлиқ БЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами № 2773, 2016 йил 6 апрель) талабларига мувофиқ қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 1-графаси биринчи бўлмасида «ИМ» белгиси кўрсатилади;

б) 1-графаси учинчи бўлмасида «ППР» ҳарfli белгиси кўрсатилади.

в) БЮДга айнан ДБДга берилган тартиб рақам қўйилади ва улар бир-биридан ажралмас қисмлар ҳисобланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА  
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**503** Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва хужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юретишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 21-сон қарори (рўйхат рақами 2521, 2013 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 45-сон, 596-модда) билан тасдиқланган Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва хужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

**Раис**

**А. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 июнь,  
6-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Ер ресурслари, геодезия, картография ва  
давлат кадастри давлат қўмитасининг  
2018 йил 8 июндаги 6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини  
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси** — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давергеодезкадастр қўмитаси деб юритилади).»;

**тупроқ бонитировкаси ишлари бажарувчиси** — Давергеодезкадастр қўмитаси тасарруфидаги ташкилотлар.».

2. 5, 13, 18 ва 29-бандлардаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давергеодезкадастр қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6, 8, 12 ва 24-бандлардаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Давергеодезкадастр қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 7 ва 25-бандлардаги «туман фермерлари кенгашининг» деган сўзлар «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-бандда:

«туман фермерлари кенгаши» деган сўзлар «туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими» деган сўзлар «туман қишлоқ хўжалиги бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

*Б. ЮСУПОВ*

*2018 йил 8 июнь*

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

*А. ХАЙТОВ*

*2018 йил 8 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**504** Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3023*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилди:**

1. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раиснинг биринчи ўринбосари**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 июнь,  
2018-52-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил  
11 июндаги 2018-52-сон қарорига  
ИЛОВА

**Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига  
киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 19 июнда эълон қилинган.



ги Фармонига асосан юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш мақсадида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган мезонлар асосида аниқланган йирик солиқ тўловчи юридик шахслар тоифасига татбиқ этилади.

2. Йирик солиқ тўловчилар бўйича мезонлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22<sup>2</sup>-моддасига асосан солиқ тўловчиларга солиқ солиш тартибини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқини бермайди.

3. Йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **2-боб. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонлари**

4. Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш учун олдинги солиқ даври якуни бўйича қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида мос келадиган юридик шахслар танлаб олинади:

солиқ даври якуни билан ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси энг кам иш ҳақининг 200 минг бараваридан кам бўлмаган;

товар айланмаси ҳажми энг кам иш ҳақининг 300 минг бараваридан кам бўлмаган;

жами активлари қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг бараваридан кам бўлмаган.

5. Энг кам иш ҳақи миқдори йирик солиқ тўловчилар тоифасини аниқлаш учун танланган солиқ даври якунида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади.

6. Йирик солиқ тўловчилар тоифасини белгилашда, мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган мезонлар, юридик шахсларнинг ўтган йилдаги солиқ даври якуни бўйича солиқ органларига тақдим этган солиқ ҳамда молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичларига асосан аниқланади.

7. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар солиқ даври якуни билан мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, ушбу юридик шахслар навбатдаги бир йил мобайнида йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолади.

8. Мазкур Низом татбиқ этиладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати ҳар йили кейинги солиқ даври бошлангунга қадар бир ойдан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Йирик солиқ тўловчилар рўйхатига киритилган юридик шахслар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш

кун ичида бу ҳақда ҳисобга қўйилган жой бўйича ёзма равишда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

9. Йирик солиқ тўловчилар рўйхатидан чиқарилган юридик шахслар ушбу тоифадан чиқарилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма равишда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

10. Йирик солиқ тўловчилар рўйхатига киритилган юридик шахслар улар йирик солиқ тўловчилар рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарномани олмагунга қадар йирик солиқ тўловчилар тоифасида қолади.

### **3-боб. Яқуний қоидалар**

11. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

12. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2018 йил 11 июнь*

*Иқтисодиёт вазири*

*Б. ХОДЖАЕВ*

*2018 йил 11 июнь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2018 йил 11 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН  
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## 505 Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3024*

Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 56-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Адлия вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 01/19-18/08, 37-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1649, 2006 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 524-модда);

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Адлия вазирлигининг 2014 йил 19 февралдаги 01/19-26/04, 2-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1649-1, 2014 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 8-сон, 86-модда).

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор**

**О. МУРОДОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 май,  
29-қ-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга  
қўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси**

**Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 25 май,  
01/15-10/12-қ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси ва Хусусийлаштирилган  
корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитасининг  
2018 йил 25 майдаги 29-қ ва  
01/15-10/12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ижро ҳужжатлари асосида хатланиб, аукцион савдолари орқали ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда сотилиши белгиланган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотларини танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (бундан буён матнда Бюро деб

юритилади) ҳудудий бошқармалари томонидан танлов асосида амалга оширилади.

3. Танлов ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман (шаҳар) бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш бўйича энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат.

4. Танловнинг барча қатнашчиларига тенг танлов шартларини яратиш, ошкоралик, талабларнинг ягоналиги ва баҳо беришда холислик танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

## **2-боб. Ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиш**

### **1-§. Танлов комиссияси**

5. Танлов ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

6. Комиссия Бюро директори буйруғи асосида 5 кишидан иборат қуйидаги таркибда тузилади:

Бюронинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи — Комиссия раиси;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари вакили — Комиссия аъзоси;

танлов ўтказилаётган ҳудудда фаолият кўрсатаётган Бюронинг тегишли туман (шаҳар) бўлими бошлиғи — Комиссия аъзоси;

Бюро ҳудудий бошқармасининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими бошлиғи, ички хавфсизликни таъминлаш шўъбаси катта инспектори — Комиссия аъзолари ҳисобланади.

Зарурат туғилганида, махсус билим талаб қиладиган масалалар бўйича хулоса бериш учун Комиссия йиғилишларига экспертлар (мутахассислар) жалб қилиниши мумкин. Экспертлар Комиссия йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

7. Қуйидагилар Комиссиянинг вазифалари ҳисобланади:

танлов ўтказиш вақти, жойи ва шартлари тўғрисида эълон бериш бўйича қарор қабул қилиш;

танлаб олинган савдо ташкилотлари билан тузиладиган намунавий шартнома лойиҳасини тасдиқлаш;

танлов ғолибларини аниқлаш.

Комиссия танлов ўтказиш бўйича бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Комиссия ўз фаолиятини мустақил амалга оширади. Комиссия фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралаштириш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Ўз навбатида, комиссия аъзолари савдо ташкилотлари ҳужжатларининг холисона кўриб чиқилиши ва баҳоланиши учун жавобгар ҳисобланади.

8. Бюронинг ҳудудий бошқармаларидаги суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими Комиссиянинг ишчи органи (бундан буён матнда ишчи орган деб юритилади) ҳисобланади.

Қуйидагилар ишчи органнинг вазифалари ҳисобланади:

танловга қатнашиш учун талабгорлардан тушган аризаларни қабул қилиш;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғи орқали танлов ўтказиш тўғрисида эълон бериш;

Комиссия баённомаларини юритиш;

манфаатдор шахсларни танлов шартлари ҳамда намунавий шартнома шакли билан таништириш;

савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш;

танлов бўйича келиб тушган ва юритиладиган ҳужжатларнинг ҳисобини, сақланишини ҳамда махфийлигини таъминлаш.

Ишчи орган Комиссиянинг топшириғи асосида бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **2-§. Танлов ўтказишга тайёргарлик кўриш**

9. Комиссия танлов бошланишидан камида ўттиз кун олдин оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғи орқали танлов ўтказиш тўғрисида эълон беради. Эълон бериладиган оммавий ахборот воситалари рўйхати Бюро томонидан белгиланади ва Бюро ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Эълонда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

танлов ўтказадиган органнинг номи;

танлов ўтказиш жойи, санаси ва вақти;

танлов голибларини аниқлаш мезонлари;

танловда иштирок этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати;

ариза ва ҳужжатларни қабул қилиб олиш жойи ва манзили;

танловда иштирок этиш учун аризалар тақдим этишнинг охириги муддати.

10. Бюронинг тегишли ҳудудий бошқармаси танлов эълон қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай бу ҳақда Бюрога хабар беради. Бюро масъул ходими танловларда кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

11. Танлов ҳар йили бир марта ўтказилади. Зарурият туғилган ҳолларда Комиссия томонидан навбатдан ташқари танлов ўтказилиши ҳам мумкин.

12. Савдо ташкилотлари ўртасидаги танлов ҳар бир туман (шаҳар) бўйича олдиндан белгилаб бериладиган голиблар сони (камида иккита) миқдорида ўтказилади.

Зарур ҳолларда, маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, алоҳида турдаги мол-мулкларни (озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, техник ва маиший товарлар, қурилиш маҳсулотлари ва бошқалар) сотиш учун ихтисослаштирилган ваколатли савдо ташкилотлари аниқланиши мумкин.

Қуйидаги турдаги мол-мулклар ихтисослаштирилган ваколатли савдо ташкилотлари орқали сотилади:

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо (ярим қимматбаҳо) тошлардан ясалган буюмлар бўйича;

маҳсулдор ва иш моллари, асалари оилалари, ем-хашак, бошқа турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича;

ёқилғи-мойлаш материаллари, нефть ва газ маҳсулотлари бўйича;

минерал ўғитлар ва пестицидлар бўйича;

сотиш учун алоҳида рухсатнома ёхуд лицензия талаб қилинадиган бошқа маҳсулотлар бўйича;

Комиссия томонидан белгилаб берилган бошқа мол-мулклар бўйича.

Фойдаланиб бўлмайдиган қора ва рангли металллардан ясалган буюмлар, шунингдек металл парчалари ва ушбу металлларнинг чиқиндилари тўлов эвазига қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини йиғиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

Фойдаланилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар, шунингдек макулатура ва иккиламчи хом ашёнинг бошқа турлари тўлов эвазига иккиламчи хом ашёни йиғиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

Комиссиянинг қарори билан алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш учун ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари вилоят миқёсида ҳам аниқланиши мумкин.

13. Маданий бойликлар (тарихий, бадиий, илмий қимматга эга бўлган қимматбаҳо асарлар, ноёб қўлёзмалар, антиквар маҳсулотлар ва бошқалар) бўйича ваколатли савдо ташкилотлари Бюро томонидан республика миқёсида аниқлаб берилади.

### **3-§. Танловда иштирок этиш**

14. Танловда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;

фаолият юритаётганига олти ой бўлмаган;

охирги икки йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

15. Танловда иштирок этиш истагини билдирган савдо ташкилоти Бюронинг тегишли ҳудудий бошқармасига рўйхат асосида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Комиссия номига ариза;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нусхаси;

савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси;

савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10 х 15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) қисқача тавсифномаси, шунингдек 10 х 15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади);

талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган техник соз ҳолатдаги транспорт ёки бошқа техника воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда уларнинг техник тавсифи;

кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори (10 фоиздан кўп бўлмаган);

савдо ташкилотининг мол-мулклар реализация қилиш бўйича ҳисобини юритишга мўлжалланган махсус дастурий таъминотни ишлатиш мажбурияти.

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, уларнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Низомнинг 23-бандида белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

16. Мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда, танлов ўтказилиши белгиланган кунда Комиссия томонидан мазкур ҳужжатларнинг асл нусхалари талаб қилиниши мумкин. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги текширилади ва ҳужжатларнинг асли қайтариб берилади.

17. Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туманга (шаҳарга) яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

18. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссиянинг ишчи органи томонидан қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш тақиқланади, мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ишчи орган ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугашига қадар талабгорларни танлов шартлари ва Комиссия томонидан тасдиқланган намунавий шартнома нусхаси билан таништиради.

Ҳужжатлар қабул қилиш танлов бошланишидан ўн кун олдин тўхтатилади.

19. Талабгорлар томонидан сохта ҳужжатлар тақдим қилингани ёхуд давлат ижрочилари билан тил бириктириб, ноқонуний ҳаракатлар қилганлиги аниқланган тақдирда улар танловга қўйилмайдилар, танлов ғолиби деб



топилган тақдирда эса танлов натижаларининг уларга оид қисми бекор қилинади.

#### **4-§. Танлов ғолибларини аниқлаш ва танлов натижаларини эълон қилиш**

20. Танлов ғолибларини аниқлаш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда — ишчи орган томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Низомда белгиланган талабларга жавоб бериши ва тўғри расмийлаштирилганлиги, шунингдек Бюро ҳудудий бошқармасининг ички хавфсизликни таъминлаш шўъбаси томонидан талабгорнинг ишчанлик обрўси, қонун ҳужжатларига ва Бюронинг ҳудудий бошқармаси билан тузилган шартнома шартларига риоя этиш аҳволи (агар бундай шартнома тузилган бўлса), унга нисбатан назорат идоралари томонидан қўлланилган санкциялар ҳамда талабгорнинг раҳбар(лар)и муқаддам бошқа корхона раҳбари сифатида танловларда қатнашганлиги ва суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш фаолиятида жавобгарликка тортилганлиги ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар текширилади;

иккинчи босқичда — Комиссия ўз йиғилишида тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганайди, мазкур Низомнинг 23-бандида белгиланган мезонлар бўйича баҳолайди ҳамда унинг натижалари бўйича танлов ғолибини аниқлайди.

21. Талабгорнинг ишчанлик обрўсини текшириш яқунлари бўйича Бюро ҳудудий бошқармасининг ички хавфсизликни таъминлаш шўъбаси томонидан хулоса тузилиб, у ишчи органга тақдим қилинади.

Биринчи босқичдан ўтган талабгорларнинг ҳужжатлари иккинчи босқичга қўйилади.

22. Ишчи органи томонидан айрим талабгорларнинг ҳужжатлари биринчи босқичдан қайтарилган бўлса, улар бўйича умумлашган маълумот сабабларини кўрсатган ҳолда Комиссияга тақдим қилинади. Комиссия қайтариш сабабларини асосиз деб топганда, талабгорлар иккинчи босқичга қўйилади.

23. Савдо ташкилотлари танлови Комиссия томонидан коллегиял тарзда ҳал қилинади.

Комиссия мажлислари, агар уларнинг ишида Комиссия аъзоларининг умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия аъзолари талабгорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги мезонлар бўйича уларни баҳолайди:

истеъмомчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги);

мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) мавжудлиги;

мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағларининг мавжудлиги;

техник жиҳатдан соз бўлган транспорт ва бошқа техника воситасининг мавжудлиги;

кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

24. Талабгорларнинг имкониятлари рейтинг шкаласида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлигини (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги) унинг аниқ жойлашган ўрни асосида ўрганилиб, талабгорга 5 баллдан 10 баллгача баҳо берилади. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ солиш, ижара ҳақи ставкасини белгилаш ёхуд бошқа мақсадларда туман (шаҳар) худуди тегишли зоналарга бўлинган бўлса, мазкур зоналаштириш ҳисобга олинади;

мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) мавжудлиги мезонини аниқлашда талабгор имконияти 5 баллдан 8 баллгача баҳоланади;

талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган транспорт ёки бошқа техника воситаси, унинг тури ва техник имкониятларидан келиб чиқиб 3 баллдан 8 баллгача баҳоланади. Танловда транспорт ёки бошқа техника воситасига балл беришда талабгорнинг ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган техник жиҳатдан соз бўлган кўпи билан 2 та транспорт ва (ёки) техника воситалари ҳисобга олинади. Бунда ижарага олинган транспорт ёки бошқа техника воситаси ҳисобга олинмайди;

талабгорнинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари 2 баллдан 5 баллгача баҳоланади;

кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги 5 баллдан 8 баллгача баҳоланади.

Талабгорлар томонидан тақдим этилган маълумотлар мазкур банднинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган мезонларга жавоб бермаса, уларга ушбу мезон бўйича балл берилмайди.

25. Комиссия йиғилишида талабгорнинг ҳар бир мезонлар бўйича тегишли баллни бериш масаласи Комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 1-илоvasида назарда тутилган кўрсаткичлар асосида кўпчилик овоз билан ҳал этилади ва ҳар бир мезон бўйича ягона балл берилади.

26. Энг кўп якуний балл тўплаган талабгорлар Комиссия йиғилишида танлов ғолиблари деб топилади.

Агар икки ва ундан ортиқ талабгор бир хил балл тўплаган тақдирда, улар орасида нисбатан паст савдо чегирмаси таклиф қилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

27. Танлов ғолиблари деб топиш тўғрисидаги қарор Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

28. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади. Баённома Комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Баённомада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

йиғилиш ўтказилган жой ва сана;

йиғилишда иштирок этган Комиссия аъзолари;

танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этган талабгорларнинг рўйхати;

талабгорлар таклифларини баҳолаш ҳақидаги маълумот;

танлов ғолиблари тўғрисида маълумот.

29. Танлов натижалари бўйича баённома имзоланганидан сўнг беш кунлик муддат ичида танлов ғолиблари ва Бюро ҳудудий бошқармалари, унинг туман (шаҳар) бўлимлари ўртасида муддатини узайтириш ҳуқуқи билан бир йил муддатга ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тўғрисида тасдиқланган намунавий шаклдаги шартнома тузилади.

Бюронинг марказий аппарати Бюро суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бошқармаси иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича танловда ғолиб деб топилган ҳар қандай савдо ташкилоти билан мол-мулкни сотиш тўғрисида шартнома тузиши мумкин.

Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартларига риоя қилинганлиги ҳамда улар томонидан ижро ҳужжатлари бўйича савдони ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги инобатга олинади.

30. Шартнома тузилганидан сўнг Бюро ҳудудий бошқармаси томонидан бир кунлик муддат ичида ваколатли савдо ташкилотларининг рўйхати Бюрога ва унинг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига юборилади. Шунингдек, танловни ўтказиш тўғрисида эълон берилган оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда маълумот берилади.

### **3-боб. Ижро ҳужжатлари асосида сотиладиган мол-мулкни сотувга чиқариш ва сотиш тартиби**

31. Ижро ҳужжатлари асосида давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

Ижро ҳужжатлари асосида сотувга чиқариладиган мол-мулк савдо ташкилотларига топширилгунга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоланади.

32. Хатланган мол-мулк уни баҳолаш тўғрисидаги ҳулоса баҳоловчидан олинган кундан бошлаб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат ижрочиси томонидан баҳоланганда эса, мол-мулкни баҳоланган кундан бошлаб 3 кун ичида далолатнома асосида давлат ижрочиси томонидан савдо ташкилотига топширилади.

Далолатнома мазкур Низомнинг 2-илувасида белгиланган шаклда тузилади.

33. Мол-мулкни сотиш тўғрисидаги далолатномага қуйидагилар илова қилинади:

ижро ҳужжатининг нусхаси;

мол-мулкни хатлаш (рўйхатга олиш) далолатномасининг нусхаси;

мол-мулкни тавсифловчи ҳужжатлар ва (ёки) баҳолаш тўғрисидаги хулоса нусхалари;

сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича мувофиқлик сертификатлари.

34. Ижро ҳужжатлари ижросини ўз вақтида таъминлаш учун миқдори, ҳажми ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб, мол-мулк бир вақтнинг ўзида сотиш учун шартнома тузилган бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

35. Сотиш учун савдо ташкилотларига бериладиган барча мол-мулклар мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича) ва рўйхатга олиш далолатномасида ёки қабул қилиш-топшириш далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда савдо ташкилотининг товар ёрлиқлари билан таъминланиши керак.

Мол-мулкларни жузъий таъмирлаш, тозалаш ва текислаш уларни сотиш учун қабул қилиб олган савдо ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади.

36. Савдо ташкилотлари томонидан мол-мулкни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

37. Мол-мулк савдо ташкилотларига сотиш учун топширилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида белгиланган нархда сотилмаса, савдо ташкилоти мол-мулк нархини камайтириш ёхуд уни қайтариб олиш масаласини кўриб чиқиш учун давлат ижрочисига ёзма равишда хабарнома юборади.

Давлат ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилмаган мол-мулк нархини камайтириш ёхуд уни қайтариб олиш масаласини ҳал қилади.

#### **4-боб. Савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартларига, шунингдек мол-мулкни сотиш тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш**

38. Мол-мулкни топширган Бюронинг ҳудудий тузилмаси ва савдо ташкилоти ўртасида сотувга топширилган ва сотилган мол-мулк ҳамда сотувдан тушган пул маблағлари тўғрисида ҳар ойда кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар маълумот алмашилиб борилади (шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида), шунингдек ҳар чорак якуни бўйича савдо ташкилотларида сотилмасдан қолдиқда қолган мол-мулклар санокдан ўтказилиб, чорак якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар мазкур Низомнинг 3-иловасида белгиланган шаклга мувофиқ таққослаш далолатномалари тузилиб, бир нусхаси Бюрога тақдим этиб борилади.

39. Савдо ташкилотлари томонидан шартнома шартларига, шунингдек мол-мулкни сотиш тартибига риоя этилиши устидан назорат шартномани тузган тегишли Бюро ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилади.

Шартнома шартлари ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилган тақдирда Бюро ва унинг ҳудудий тузилмалари шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳамда мол-мулкни мазкур Низом асосида танлаб олинган бошқа савдо ташкилотига олиб беришга ҳақлидир.

**5-боб. Мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олиш**

40. Мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағларини ўтказиш учун Бюро ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан банкда депозит ҳисоб рақами очилади.

41. Мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмасини ушлаб қолган ҳолда, реализация қилинишига қараб савдо ташкилоти томонидан Бюро ёки унинг ҳудудий тузилмасидаги депозит ҳисоб рақамига икки банк иш кунидан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Мол-мулкни реализация қилишдан тушган суммани ўтказиш муддати кечиккан тақдирда савдо ташкилоти кечиккан ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдориди пеня ундирилади.

42. Бюро ёки унинг ҳудудий тузилмасининг депозит ҳисоб рақамига мол-мулкни реализация қилишдан келиб тушган маблағларни тақсимлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**6-боб. Якуний қоидалар**

43. Бюро ва унинг ҳудудий тузилмалари савдо ва ихтисослашган ташкилотлар, шунингдек бозорлар томонидан ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотишни ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан доимий назоратни амалга оширади.

44. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

2018 йил 25 май

Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни  
сотиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Танловда иштирок этиш учун савдо ташкилотларини  
танлашда талабгорларнинг имкониятларини баҳолаш  
РЕЙТИНГИ**

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлари	Рейтинг баллари
1.	Истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги)	а) аҳоли гавжум вилоят ва туман (шаҳар) марказида, бозорлар ва савдо марказларда ёхуд уларнинг яқин атрофида жойлашган талабгор	8 баллдан 10 баллгача
		б) мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилмаган бошқа аҳоли гавжум бўлган ва транспорт воситалари серкатнов йўл бўйида жойлашган талабгор	6 баллдан 8 баллгача
		в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган аҳоли гавжум бошқа ҳудудларда жойлашган талабгор	5 баллдан 6 баллгача
2.	Мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жойлар (ускуналар)	Махсус сақлаш биноси ёки жойи (омборхона, ертўла, музлаткич, совуткич ва бошқалар), мол-мулкларнинг туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи етарлича савдо асбоб-анжомлари ва махсус сотиш жойлари	5 баллдан 8 баллгача
3.	Талабгорга тегишли техник жиҳатдан соз бўлган транспорт ва бошқа техника воситаси	Юк машинаси	8 балл
		Юк ташишга ихтисослашган енгил машина	6 балл
		Енгил машина	4 балл
		Юк ташишга ихтисослашган мотоцикл	3 балл
		Юк ортувчи ускуна (погрузчик)	4 балл
4.	Талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли бўлган мавжуд пул маблағи	100 млн сўмдан юқори	5 балл
		50 млн дан — 100 млн сўмгача	4 балл
		10 млн дан — 50 млн сўмгача	3 балл
		5 млн дан — 10 млн сўмгача	2 балл
5.	Кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги	5 фоизгача	8 балл
		5 фоиздан 7 фоизгача	7 балл
		7 фоиздан 9 фоизгача	6 балл
		9 фоиздан 10 фоизгача	5 балл

Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Хатланган мол-мулкни сотишга топшириш ҳақидаги ДАЛОЛАТНОМА

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

Мен, Бюронинг \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) бўлими давлат ижро-  
чиси \_\_\_\_\_, савдо ташкилоти вакили \_\_\_\_\_

(савдо ташкилоти вакилининг Ф.И.О., яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар)

иштирокида \_\_\_\_\_ га мувофиқ,

(ижро ҳужжатининг номи)

қарздор \_\_\_\_\_ дан ундирувчи

(қарздорнинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ фойдасига \_\_\_\_\_

(ундирувчининг Ф.И.О.)

(ижро ҳужжатининг мазмуни)

ундириш ҳақидаги «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилда қўзғатилган \_\_\_\_\_-сон ижро  
иш юритуви бўйича «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги далолатномага мувофиқ

Т/р	Мол-мулкнинг номи ва тавсифи	Миқдори	Нархи
1.			
2.			

хатланган мол-мулкларни мазкур далолатномага мувофиқ \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ савдо дўконига сотиш учун топширдим.

(савдо ташкилотининг номи)

Юқоридаги мулкларни сотиш учун қабул қилиб олдим \_\_\_\_\_

(қабул қилиб олган шахснинг Ф.И.О., лавозими, унинг ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақида маълумот)

Сотиш учун топширилган мулкнинг жами нархи \_\_\_\_\_ сўм,  
(сўз билан)

бундан комисион тўлов \_\_\_\_\_ фоизни, яъни \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.  
(сўз билан)

\_\_\_\_\_ сўм \_\_\_\_\_\* ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим.  
(сўз билан)

Юқоридаги мол-мулклар \_\_\_\_\_ га топширилиб,  
(қабул қилиб олаётган шахснинг Ф.И.О., лавозими)

у мол-мулкнинг сақланиши учун тегишли шарт-шароитларга риоя қилиши  
ва уларни таъминлаши шартлиги, мол-мулкни қонунга хилоф равишда ўзлаш-  
тириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказган-

лиги учун жавобгар бўлиши, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 233-моддасига асосан жинойий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Имзолар:

Давлат ижрочиси: \_\_\_\_\_

Савдо ташкилоти \_\_\_\_\_

*\* Бюро органининг депозит ҳисоб рақамлари кўрсатилади, давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишда эса махсус ҳисоб рақам кўрсатилади.*



Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

Давлат ижрочилари томонидан сотувга чиқарилган мол-мулклар ҳаракати юзасидан Бюронинг \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) бўлими ва \_\_\_\_\_ савдо ташкилоти ўртасида \_\_\_\_\_ йилнинг \_\_\_\_-чорақ ҳолатига тузилган  
**ТАҚҚОСЛАШ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Т/р	Ижро иши рақами, давлат ижрочисининг Ф.И.О.	Ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган номи	Ижро ҳужжатининг рақами, санаси	Ижро ҳужжатининг тарафлари (қарздор ва ундирувчи) Ф.И.О.	Мол-мулкни олиб қўйган орган номи*	Мол-мулкни хатлаш ва сотувга чиқариш далолатномалар саналари ва рақами	Мол-мулк номи ва сони
1	2	3	4	5	6	7	8

\_\_\_\_\_ савдо ташкилоти раҳбари  
\_\_\_\_\_  
(Савдо ташкилоти раҳбари Ф.И.О)  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Бюронинг \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)  
давлат ижрочиси \_\_\_\_\_  
(Давлат ижрочиси Ф.И.О)  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\* Фақат давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган мол-мулклар бўйича тўлдирилади.

Жадвалнинг давоми

Т/р	Мол-мулк сотиш учун берилган сана ва сотувчи ташкилот	Мол-мулкнинг суммаси	Сотишга берилган мол-мулкнинг арзонлаштиришдан кейинги нархи	Сотилган сумма	Сотувдан тушган суммани тақсимлаш		Сотилмаган мол-мулк давлат ижрочисига қайтарилган сана	Изоҳ
					савдо чегирмаси суммаси	бюро депозит ҳисоб рақамига ўтказилган сумма		
1	9	10	11	12	13	14	15	16

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**506 Қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2460-1*

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 209-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 29 апрелдаги 38, 8/1 ва 2013-15-сон қарори (рўйхат рақами 2460, 2013 йил 29 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 22-сон, 294-модда) билан тасдиқланган Қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан инвестицион воситачиларнинг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини очиш ҳамда юриштишга доир хизматларга қуйидагилар тааллуқли:

қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

ҳужжатли қимматли қоғозларни сақлаш;

қимматли қоғозлар чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш;

қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритиш;

давлатнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини, шунингдек қимматли қоғозларни бошқариш бўйича давлат ваколат берган шахсларнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш;

инвестицион воситачиларнинг депо-ҳисобварағини юритиш;

белгиланган тартибда қимматли қоғозлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Респуб-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 20 июнда эълон қилинган.

ликаси худудидан ташқарида муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;

агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, инвестицион жамғармалар томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш;

Омонатчилар ягона маълумотлар базасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозларга халқаро кодларни бериш;

эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва тизимлаштириш.

Мазкур хизматларни кўрсатиш муносабати билан олинадиган воситачилик ҳақи ва бошқа турдаги даромадлар озод этилади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 май,  
97-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 май,  
1811-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 май,  
2018-44-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 16 июндан 22 июнгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 майдаги 01-02/12-42-сон «Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2418-4.***

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 8 июндаги 6-сон «Тупрок бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2521-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июндаги 2018-52-сон «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3023.***

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 25 майдаги 25-қ, 01/15-10/12-қ-сон «Ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3024.***

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 97, 1811, 2018-44-сон «Қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган молиявий хизматларга тааллуқли операциялар рўйхатининг 5-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2460-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 11 июндаги 31, 45-сон «Гиёҳвандлик воситалари,

психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2018 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1048-2.*

